

# БИДЪАТ

## МУКАДДИМА

Бисмиллахи Рохмани Рохийм

Оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллох таъолога хамду санолар бўлсин. Бизларни Ўз йўлига эргашишга буюрди ва бидъатларни ўйлаб топишдан қайтарди. Инсонлар эргашиб, итоат қилишлари учун юборилган Пайгамбар Мухаммад ибн Абдуллохга, у кишининг оила аъзолари, саҳобаи киромлар ва у кишига эргашганларга салавоту саломлар бўлсин.

Ушбу китобчада бидъат турлари хақида баҳс юритилади. Биз ушбу китобчани Ислом оламига фойдали қилишини ва холис Ўзи учун бўлишини Аллохдан сўраб қоламиз.

Биринчи фасл

### БИДЪАТ ЎЗИ НИМА? УНИНГ ТУРЛАРИ ВА ХУКМЛАРИ

Таърифи: «Бидъат» арабча сўз бўлиб, лугатда «ўтмишда мутлако бўлмаган нарсани ихтиро қилиш» деган маънони англатади. Куръони Каримда Аллох таъоло айтадики:

**«(У) Еру осмонларни (аввалда мисли бўлмаган кўринишда) пайдо қилгувчидир...».** (Бақара: 117)

Мазкур оятда «пайдо қилувчи» сўзи «бидъат қилувчи» ибораси орқали ифодаланган. Бундан мурод эса Еру Осмонни илгари бўлмаган эканлиги ва бу иккисини Аллох таъоло Ўз илми азалийси билан яратганлигидир. Яна бир оятда эса: **«(Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам), айтинг: «Мен пайгамбарлардан янги-биринчиси эмасман (яъни мендан аввал ҳам Аллохнинг пайгамбарлари ўтганку, нега сизлар менинг пайгамбарлигимга хайрон бўлиб, инкор қилмоқдасизлар?!)...».** (Аъроф: 9)

Араб тилида агар бир киши янгилик ўйлаб топса ва бу янгилик ўтмишда мутлако учрамаган бўлса, уни ҳам «бидъат қилди», яъни янгилик чиқарди дейилади.

Янгилик яратиш икки хил бўлади: Одатдаги нарсаларда янгилик яратиш. Хозирги илмий кашфиётлар орқали ихтиро қилинган асбоб-ускуна ва техника жихозлари каби. Буларни ихтиро қилиш таъқиқланмаган. Чунки, одатлар динга зарар бермаса ёки зид бўлмаса, уларга қаршилик кўрсатилмайди. Иккинчиси эса динда янгилик яратиш ва бу харомдир. Чунки динда бориға амал қилиб, йўғидан тийилиш буюрилган.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Қимқи динимизда йўқ нарсани чиқарса, у янгилик қабул қилинмайди – рад қилинади».** (Муттафакун алайхи)

Яна бир ривоятда: **«Қимқи динда бўлмаган ишни қилса у рад қилинади».** дейилган.

### БИДЪАТНИНГ ТУРЛАРИ

#### ДИНДА БИДЪАТ ЧИҚАРИШ ИККИ ХИЛ БЎЛАДИ

*Биринчиси*; Огзаки ва эътикодий бўлиб, Жахмийя, Мўътазила ва Рофиза каби адашган тоифаларнинг сўз ва эътикодлари бунга мисол бўла олади.

*Иккинчиси*; Ибодатларда бўлиб, шаръий бўлмаган ва одамлар ўйлаб топган ибодатлар бунга мисолдир. Иккинчи турдаги бидъатнинг бир неча хил кўринишлари бор:

1. Ибодатнинг ўзи бидъат бўлади. Яъни шариатда бундай ибодатнинг ўзи йўқ бўлади. Бунга шариатда кўрсатилмаган намозлар ва рўзалар, шунингдек тугилган кун ва бошқа шариатда йўқ бўлган байрамлар мисол бўла олади.

2. Ибодатга бирон нарса кўшиш билан бўлади. Пешин ёки аср намозини беш ракат ўқиш каби.

3. Ибодатнинг тартиби ёки кўринишини ўзгартириш билан бўлади. Шариатда кўрсатилган тасбех ва бошқа зикрларни жамоат билан жўр бўлиб айтиш ёки Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам суннатларидан ташкаридаги ибодатларни ўзига огирлаштириб олиш каби.

4. Шаръий ибодатга шариатда кўрсатилмаган вақтларни белгилаб олиш. Шаъбон ойининг ўртасини белгилаб, шу куни рўза тутиш ва кечаси ибодат қилиш каби. Нафл намозлар ўқиш ва Рамазондан бошқа ойлarda нафл рўза тутиш шариатда мумкин. Лекин уларнинг вақтини тайин қилиш учун далил керак.

*Изох*: Хадисларда Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг душанба ва пайшанба кунлари кўпинча рўза тутганлари, Рамазон хайитидан кейин олти кун рўза тутганлари ривоят қилинган. Шу кунлари ихтиёрий рўза тутиш суннат, мустахаб саналади. Шаъбон ойининг ҳам кўп кунларини Набий соллаллоху алайхи ва саллам рўза тутиш билан ўтказганлар, аммо куни белгиланган эмас. Шунинг учун ўзича кунини тайин қилиб қўйиш дуруст эмас. Нафл намозлар масаласида ҳам шундай.

## **БИДЪАТНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИГА НИСБАТАН ДИННИНГ ХУКМИ**

Диндаги хар бир бидъат харом ва залолатдир. Чунки Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: **«Янги топилган ишлардан сакланинглар, хар бир янги топилган иш бидъатдир ва хар бир бидъат адашишликдир»**, деганлар. (Абу Довуд ва Термизий ривояти.)

Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан: **«Кимки бизнинг ишимизга биз қилмаган нарсани қиритса у қайтарилгандир»**, деган ривоят ҳам бор.

Бу хадислар диндаги хар бир янгилик бидъат эканига, бидъат эса дин томондан рад этилган залолат эканига далолат қилмоқда. Демак ибодат ва эътикоддаги хар бир бидъат харом экан. Бидъатнинг турига караб унинг харомлик даражаси ва ҳукми турлича бўлади. Авлиёларга якин бўлиш учун уларнинг қабрини тавоф қилиш, улар йўлига садақалар бериш ва қурбонликлар сўйиш, қабр эгаларидан ёрдам сўраб, уларга дуо қилиш каби бидъатлар очик-равшан қуфрдир. Бунга – Жахмийя, Мўътазила каби буткул адашган фиркаларнинг гап-сўзлари мисол бўлади. Бу бидъатларни қилувчи шахс эса кофрдир. Қабрлар устига макбара ва саганалар қуриш, ўша ерга бориб намоз ўқиш, дуо қилиш каби бидъатлар эса ширкка (Аллохга бошқаларни тенг қилиш) олиб боровчи йўлдир. Хавориж, Кадарийя ва Муржиа каби тоифаларнинг шаръий далилларга тўғри келмайдиган эътиқодлари ва сўзлари каби бидъатлар

эса эътикодий тойилишдир. Тарки дунё килиш, иссик кунда атайлаб рўза тутиб, офтоб тагида туриш ёки ўзича такво килиб ўзини бичдириш каби бидъатлар эса гунохдир.

*Эслатма:* Бидъатни яхши ва ёмон, яъни, савоб ва гунох бидъатга ажратувчи хато килади. Чунки бу Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг: **«Хар бир бидъат залолатдир»**, деган сўзларига хилофдир. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам бу хадисларида хамма бидъатни залолат деб атадилар. Бидъатларни яхши-ёмонга ажратган киши эса ўз сўзи билан: «Бидъатнинг хаммаси хам адашиш эмас, балки яхши бидъат хам бор» демокчи бўлади. Хофиз ибн Ражаб «Арбаъийн» шархида шундай дейди:

**«Хар бир бидъат адашишдир»**, деган Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг сўзлари умумий бўлиб, диндаги биронта бидъат ундан мустасно бўлиши мумкин эмас. Бу хадис диннинг буюк асосларидан биридир. Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг ушбу сўзлари: **«Кимки дин ишимизда динимизда бўлмаган ишни яратса, у рад килингандур»**, деган сўзларига ўхшайди. Кимки динда асли йўк бўлган бир янгиликни ўйлаб топса ва уни динда бор деб даъво килса, у адашгандир. Дин ундай кимсаларнинг гап-сўзларидан покдир. Бу бидъат эътикод, амаллар махфий ёки ошкора сўзлар масаласида бўлишидан катъий назар, залолатдир.

Бидъатни «Яхши ва ёмон» деб таксим килувчилар ўзларига факат битта далилни топиб олишган. У хам бўлса халифа Умар розияллоху анхунинг мусулмонлар унинг буйругига биноан тарових намозига йигилиб турган пайтларида: «Кандай яхши бидъат», деб айтган сўзларидир. Яна улар «Куръон бир китобга жамлаб ёзилганида, олимлар кайтармадилар. Ахир бу Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламдан кейин ўйлаб топилган ишлар-ку», демокчи бўладилар. Бу далиллар уларнинг таксимотларига далил бўлолмади. Умар розияллоху анхунинг «Кандай яхши бидъат», деган сўзидан «бидъатнинг» лугавий маъноси тушунилмоги лозим. Чунки шаръий маъноси тушуниладиган бўлса, бу ишга динда асос бўлмаслиги лозим эди. Лекин тарових намозини ўқишга хам, уни масжидларда жамоат бўлиб ўқишга хам асос бор. Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам саҳобалар билан таровихни катта жамоат бўлиб ўқиганлар. Кейинчалик инсонлар буни фарз деб ўйламасин деган ниятда алохида ўқиганлар, бошкалар хам ўз уйларида ўқишган. Бир неча йиллардан сўнг Умар розияллоху анху бу ишни кайта тиклаганлар. Бу эса динда янгилик яратиш эмас.

Куръонни ёзишга хам динда асос бор. Чунки Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам Куръонни ёзишга буюрардилар, лекин оятлар ёзилган саҳифалар таркок холда эди. Кейинчалик саҳобалар (Аллох улардан рози бўлсин) уни саклаб колиш учун уларни бир китоб килиб жамлаганлар.

Хадисни ёзишга хам динда асос бор. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам баъзи хадисларни талабларга биноан ёзиб олишга буюрганлар. Хадисларнинг хаммаси ёзилса Куръон билан аралашиб кетишидан кўркиб, Пайгамбаримиз хаёт вақтларида улар тўлик ёзилмаган. Кейинчалик одамлар Куръон билан хадиснинг фаркига бориб, Пайгамбаримиз вафотларидан кейин Куръон мукаммал бўлгач, хадислар хам йўқолиб кетмаслиги учун мусулмонлар томонидан тўпланган. Аллох таъоло уларга Ислом йўлидаги фидоийликлари,

Роббиларининг китоби ва пайгамбарларнинг хадисини йўқолишдан ва бузгунчилар кўлида бузилишдан саклаганлари учун улуг мукофотлар насиб этсин.

Иккинчи фасл

## МУСУЛМОНЛАР ХАЁТИДА

### БИДЪАТЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИКИШИ ВА УЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

*Биринчи:* Мусулмонлар хаётида бидъатларнинг пайдо бўлиши. Бу ерда иккита масалага тўхталамиз:

*Биринчи масала:* Бидъатларнинг келиб чиқиш вақти:

Шайхулислом Ибн Таймийя ёзади: «*Илм ва ибодат масалаларидаги бидъатлар хулафои рошидинлар халифалигининг охирларида пайдо бўла бошлаган. Бу ҳақда Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам: «Мендан кейин ким яна умр кўрса, кўп ихтилофу келишмовчиликларни кўради. Ўшанда менинг суннатим ва мендан кейинги хулафои рошидинлар суннاتини маҳкам ушлангиз», деганлар».* (Ибн Таймийянинг «Фатволар мажмуаси» китоби. 10ж. 354-бет)

Энг биринчи бидъат такдир масаласида чиқарилган Кадарийялар бидъати, Муржиалар бидъати, Шиъалар бидъати ва Хаворижлар бидъатидир. Бу бидъатлар хижрий иккинчи асрда вужудга кела бошлаган ва ўша пайтда хаёт бўлган саҳобалар бу бидъатни бошлаганларга каттик қаршилик қилишган. Кейинчалик Мўътазила тоифасининг бидъатлари юзага келган, мусулмонлар орасида хар хил фикрлар, келишмовчиликлар, фитналар ва баъзи одамларда бидъатларга мойилликлар пайдо бўла бошлаган. Кейин тасаввуф бидъати, кабрларга макбара қуриш ва бошқа бидъатлар келиб чиққан. Шундай қилиб, вақт ўтган сари бидъатнинг турлари кўпайиб борган.

*Иккинчи масала:* Бидъатларнинг пайдо бўлиш жойи:

Ислом ўлкалари бидъатларнинг келиб чиқишига қараб бир неча тур бўлади. Шайхулислом Ибн Таймийя айтади: Расулulloх соллalloху алайхи ва салламнинг асҳоби қиромлари яшаган, ва улардан илму иймон тарқалган шаҳарлар бешта: Харамайн, Ироқон (Куфа, Басра), Шом, булардан Куръон, хадис, фикх илми ва ибодат аҳкомлари келиб чиққан. Худди шу шаҳарлардан (Мадинадан ташқари) аслий бидъатлар келиб чиққан. Ислом шаҳри сифатида машхур бўлган йирик шаҳарлардан бири Куфа (Ироқда) бўлиб, унда Шиъа ва Муржиъа тоифаларининг бидъатлари чиққан ва бошқа шаҳарларга тарқалган. Бу шаҳарлардан яна бири Басра бўлиб, ундан Кадарийя, Мўътазила ва нотўғри ибодат қилувчиларнинг бидъатлари чиққан. Кейинчалик бошқа шаҳарларга ҳам тарқалган. Шомда эса Кадарийя ва Носибийя бидъатлари келиб чиққан. Жаҳмийялар эса Хуросон томонларда пайдо бўлган, энг ёмон бидъатлардандир. Шаҳарларда бидъатларнинг келиб чиқиши у шаҳарларнинг Мадинадан бўлган узоклигига ҳам боғлиқ эди. Усмон розияллоху анху ўлдирилгандан сўнг Харурийя бидъати келиб чиққан. Мадина шаҳри эса бидъатлардан пок эди. Бу ердаги баъзи бидъатчилар ўз бидъатларини ошқор эта олмас, бордию эҳтиётсизлик туфайли ошқор қилиб қўйишса Мадина аҳли томонидан таъна-ю маломатга қолар эди. Шу сабабли бу ерда Куфа, Шом ва Басра шаҳарларидаги

каби бидъат ва бидъатчилар кенг таркалмаган эди. Сахих хадисларда Мадинага Дажжол кирмаслиги башорат килинган. Мадинада илм ва иймон имом Молик даврларигача (хижрий IV аср) давом этган. Унгача бўлган уч аср ичида Мадинада ҳеч қандай бидъат зоҳир бўлмаган ва бу ердан Ислом асосларини бузадиган бидъатлар ҳам келиб чиқмаган. (Ибн Таймийянинг «Фатволар мажмуаси» китоби. 20-ж. 300-б.)

Юкорида зикр этилган атамалар фирка ёки тоифа номлари бўлиб, улар ўзларининг бидъатлари ёки уламолар жамоатининг ҳукмидан бошқача ҳукм чиқарганлари сабабли ажралиб қолган тоифа ва фиркалардир.

Иккинчи: Бидъатларнинг келиб чиқиш сабаблари:

Агар Аллоҳ таъолонинг китоби ва пайгамбаримизнинг суннати мустаҳкам ушланса, бидъат ва адашишдан ҳеч шубҳасиз саломат қолинади.

**«Албатта мана шу Менинг Тўғри Йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар! Бошқа йўлларга (тобе бўлманг) эргашмангизки, улар сизларни Унинг йўлидан узиб кўяр...».** (Анъом: 153)

Ибн Масъуд розияллоху анху ривоят қилган ҳадис эса бу оятнинг айнан шарҳидир: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам тўғри чизик чиздилар ва: **«Бу Аллоҳнинг йўли»**, - дедилар. Кейин унинг икки тарафига қиска чизиклар чиздилар ва: **«Бу йўлларнинг ҳар бирининг бошида биттадан шайтон туриб, инсонларни унга даъват этиб туради»**, - дедилар. Сўнг юкоридаги оятни ўқидилар. (Имом Аҳмад ва бошқалар ривояти)

Кимки Аллоҳнинг китоби ва пайгамбарнинг суннатидан юз ўғирса нотўғри йўлларга ва бидъатларга аралашиб кетади.

### **Бидъатнинг келиб чиқиш сабабларини тўртга бўлиш мумкин**

Биринчи сабаб: Дин қонун-қоидаларини яхши билмаслик. Вақт ўтиб, инсонлар дин қонун-қоидаларидан узоқлашган сайин илм сусайиб, жаҳолат ва нодонлик юзага келади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бу ҳақда шундай хабар берганлар:

**«Аллоҳ таъоло илми инсонлар орасидан сугуриб олиб қўймайди, балки уни олимларни олиб қўйиш билан қўтаради. Хатто биронта олимни қолдирмайди. Олимлар қолмагач инсонлар нодон кимсаларни бошларига қўтариб, улардан йўл-йўриқ сўрайдилар. Улар ҳам билмай туриб жавоб берадилар. Натижада ўзлари ҳам адашадилар, ўзгаларни ҳам адаштирадилар».** (Абу Довуд ва Термизий ривояти.)

Бидъатни фақат илм енга олганидек, бидъатчини ҳам фақат олим енга олади. Илм ва олимлар йўқолиб кетса бидъат ва бидъатчиларга қулай фурсат топилади.

Иккинчи сабаб: Хавоӣ нафсга эргашиб.

Кимки Куръон ва суннатдан юз ўғирса, ўз хавоӣ нафсига эргашади.

**«Энди агар улар сизга жавоб бера олмасалар, бас, билинки, улар фақат хавоӣ нафсларигагина эргашурлар. Аллоҳ томонидан хидоятланмаган ҳолда ўз хавоӣ нафсига эргашган кимсадан ҳам йўлдан озганрок ким бор?!...».** (Қасас: 50)

Бидъатлар хавоӣ нафсга берилиш натижасида келиб чиққан ишлардир.

Учинчи сабаб: Бир одамнинг сўзини маҳкам ушлаб олиб, бошқасини тан олмаслик.

Бундай килиш хакикатга эргашиш ва далил хужжатлар билан иш кўришдан инсонни тўсиб кўяди.

«(Эй Мухаммад (алайхис-салом)), хавойи нафсини ўзига «Илох» килиб олган ва Аллох уни билган холида йўлдан оздириб, кулок ва кўнглини мухрлаб, кўзи олдига парда тортиб кўйган кимсани кўрганмисиз? Бас, уни Аллох (йўлдан оздиргани)дан сўнг ким хидоят кила олур?!...». (Жосия: 23)

Хозирги кунда баъзи бир тоифалар мазхабларга ёки тасаввуфга каттик берилиб худди юкоридаги оятда айтилган кишиларга ўхшаб колмокдалар. Чунки бу инсонларга Куръон ва хадисга эргашинглар дейилса, улар ўз шайхлари, тарикатлари, мазхаблари, ота-боболари юрган йўллари ва килган ишларини рўкач киладилар.

Тўртинчи сабаб: Кофирларга ўзини ўхшатиш:

Бу амал хам бидъатга олиб борадиган энг якин йўллардан биридир. Имом Термизий ривоят килган сахих хадисда Абу Вокид ал-Лайсий айтади: Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам билан Хунайн деган жойга чикдик. Биз куфрдан исломга янги кирган кишилар эдик. Мушрикларнинг сидр деган дарахтлари бўлиб, соясида ўтирардилар, куролларини унга осиб кўярдилар. У дарахтни «Зоти Анвот» дейиларди. Биз шу дарахт ёнидан ўтаётганда Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга: «Бизга хам уларникига ўхшаган «Зоти Анвот» килиб беринг» дедик. Шунда Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: **«Аллоху Акбар! Бу сўзингиз ўтмишдагилар одатидир, сизлар уни гапириб кўйдингиз. Жоним Кўлида бўлган Зотга касам ичиб айтаманки, Бану Исроил кавми хам Мусо алайхиссаломга шундай деган эди».**

«Эй Мусо, бизларга хам уларнинг илохлари каби худо килиб (ясаб) бер», дедилар. У айтди: «Албатта сизлар билмайдиган кавмдирсизлар». (Аъроф: 138)

Кейин Набий соллаллоху алайхи ва саллам: **«Ўзларингиздан олдингиларнинг одатига эргашиб кетишингиз аник»**, дедилар.

Мана, кофирларга ўзини ўхшатиш окибатида Бани Исроил ўз пайгамбаридан худо ясаб беришни сўради ва пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг баъзи сахобалари Расулуллохдан хос дарахт килиб беришни талаб килишди. Хозир хам кўпчилик кишилар кофирларга таклид килиб турли байрамлар, тугилган кунлар, юбилейлар, хайкаллар, бюстлар, ўликка килинадиган маросимлар, кабрларга тошлар кўйиш каби ва булардан бошка турли хил бидъатлар ўйлаб топмокдалар.

Учинчи фасл

## **БИДЪАТЧИЛАРГА НИСБАТАН**

### **ИСЛОМ УММАТИНИНГ МУНОСАБАТИ**

Ахли сунна вал-жамоанинг бидъатчиларни рад килиш услуби.

Ахли сунна вал-жамоанинг бидъатчиларга муносабати:

Ахли сунна вал-жамоа уламолари хозиргача бидъатчиларга карши туриб, бидъатларни рад килиб келмокдалар. Уларнинг далилларида айримларини келтириб ўтамир:

1. Умму Дардо айтади: Абу Дардо газабланган холда уйга келди. Мен ундан: «Нима бўлди?», деб сўрадим. Аллохга касамки одамлар ичида Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам давридаги ишлардан факат жамоат бўлиб намоз ўқишнигина кўраяман, деди Абу Дардо. (Имом Бухорий ривояти)

2. Амр ибн Яхё айтади: Отам менга отасидан эшитганини сўзлаб берди: Бир кун бомдод намозидан олдин Абдуллох ибн Масъуднинг эшиги олдида уни кутиб ўтирардик. Абдуллох ибн Масъуд уйдан чиккач масжидга кетмокчи эдик. Абу Мусо Ашъарий келиб: Абу Абдуррохмон чикмадими?, деб сўради. Биз йўк дедик. У биз билан ўтириб кутди. У киши чиккач хаммамиз ўрнимиздан турдик. Абу Мусо Ашъарий: «Эй Абу Абдуррохмон, хали масжидда бир ишни рад этдим. Менимча у яхши иш эди», деди. Абу Абдуррохмон: «У нима экан?», деди. Бир оз турсанг кўрасан, деди Абу Мусо. Биз масжидга келдик. Кишилар кўлларида тошчалар билан халка-халка бўлиб намозни кутиб ўтирганларини кўрдим, хар бир халка ўртасида бир киши туриб, уларга юз марта «*Ла илаха иллаллох*», денглар, дер, улар шундай килардилар. Юз марта «*Аллоху Акбар*» денглар, дер, улар шундай килардилар. Юз марта «*Субханаллох*» денглар, дер, улар шундай килардилар. Шунда Абу Абдуррохмон: «Эй Абу Мусо, уларга гунохларингизни хисобланглар, савобларингиз хеч камайиб колмайди демадингми?», деди. Шундай деб Абу Абдуррохмон халкалардан бирининг ёнига келиб: «Нима килипсизлар?», деди. Эй Абу Абдуррохмон, майда тошлар (тасбех) билан такбир, тасбех ва тахлилларни санаяпмиз, дедилар. Гунохларингизни сананглар, мен савобларингиз камайиб колмаслигига кафолат бераман. Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам уммати, холингизга вой бўлсин, халокатларингиз нақадар якин келиб колибди. Пайгамбарнинг саҳобалари хали тирик, ул зотнинг кийимлари хали эскирмаган, сув ичган кўзалари хали синмаган бўлса-ю, сизлар халокат жари ёқасига келиб колсангиз. Жоним Кўлида бўлган Зотга касамки, сизлар Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам динидан кўра тўғрирок дин топдингизми ёки залолат эшигини очибсизлар..., деди. Улар «Аллохга касамки эй Абу Абдуррохмон, биз яхши ниятда килдик», дедилар. Шунда у «Кўпчилик яхшилиқни хохлайди ва яхши ният килади, лекин унга етолмайди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам бизларга келажакда баъзи бир кавмлар чиқшини, уларнинг Куръон ўқишини, аммо ўқиганлари халкумларидан нарига ўтмаслиги хақида айтганлар. Аллохга касам ичиб айтаманки, уларнинг кўпчилиги сизлардан чикса керак деб ўйлайман, деди. Улардан юз ўгириб кетди. Амр ибн Салама айтадики: «Нахрувон жангида ўшаларнинг кўпчилиги Хаворижларга кўшилиб, бизга карши жанг килаётганини кўрдик». (Имом Тирмизий ривояти)

3. Имом Молик ибн Анас олдиларига бир киши келиб: «Каердан эҳром боғлайман?», деб сўради. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам белгилаб берган ва ўзлари хам эҳром ўраган мийкотдан боғлайсан, дедилар имом Молик.

У киши: Агар узокрокдан боғласамчи?

Имом Молик: Бунақасини хали кўрмаганман. Бунинг нимаси ёмон? Фитнага сабаб бўлишинг мумкин. Яхшилиқни зиёда килсам кандай фитна бўлиши мумкин? Аллох таъоло: «**Пайгамбарнинг ишига хилоф иш тутадиганлар бIRON фитна бўлишидан ёки ўзлари каттик азобга дучор бўлишларидан эҳтиёт бўлсинлар**», дейди. Агар сен Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам

белгилаб бермаган яхшиликни ўзингга белгилаб олсанг ундан катта фитна борми?

Аллохга хамдлар бўлсин, уламолар хамиша бидъатчиларга карши курашиб келганлар.

## **БИДЪАТ АҲЛИГА АҲЛИ СУННА**

### **ВАЛ-ЖАМОАНИНГ РАДДИЯ БЕРИШ УСЛУБИ**

Ахли сунна вал-жамоанинг барча иши Куръон ва хадис устига курилган. Бу энг мустахам асдир. Улар бидъатчиларнинг бидъатларини баён киладилар. Сўнг суннатни махам ушлаш ва бидъатларни инкор килишга Куръон - хадисдан далил келтирадилар. Ахли сунна вал-жамоа уламолари бу борада кўп китоблар ёздилар ва уларда шиа, хавориж, жахмийя, мўътазила ва ашоъира кабиларнинг иймон эътикоддаги бидъат сўзларини инкор килдилар. Бу каби бидъатларнинг хар бири учун хос китоблар хам ёзилган. Мисол учун имоми Ахмаднинг жахмийя тоифасига карши ёзган китобларини, Усмон ибн Саид ал-Баромий, Ибн Таймийя ва унинг шогирди Ибн Каййим, шайх Мухаммад ибн Абдулваххоб кабиларнинг сўфийлар, кабрга сугинувчилар ва бошка тоифаларга карата ёзган китобларини келтириш мумкин. Кадимий китоблардан куйидагиларни хам санаш мумкин:

1 Китобул иътисом. (Имом Шотибий).

2 Китобу иктизоис сиротил мустакийм. (Ибн Таймийя). Бидъатчиларга нисбатан жуда кўп таъна-танбеҳлар бу китобда ёритилган.

3 Китобу инкорил хаводис вал бедаъ. (Ибн Ваззох).

4 Китобул хаводис вал бедаъ. (Тортуший).

5 Китобул боис ала инкорил бедаъи вал хаводис. (Абу Шамма).

6 Китобул минхажис суннатин набавийя фиррадди алар-рофиза вал кадария (Ибн Таймийя).

Замонавий китоблар мисолида куйидагиларни айтиш мумкин:

1 Китобул ибдоъ фи мазоррил ибтидоъ. (Али Махфуз).

2 Китобус сунани вал-мубтадиъотил мутааллиқати бил-азкори вассалавот. (Мухаммад ибн Ахмад).

3 Рисолатут тахзийр минал бедаъ. (Абдулазиз ибн Боз).

Аллохга шукрим, уламоларимиз хали хам бидъатни инкор этиб, бидъат ахлига карши китоблар ёзмокдалар. Бу харакатлар мусулмонларни поклашга ва бидъатни йўқолишига катта таъсир кўрсатади, иншоаллох.

### **Тўртинчи фасл**

### **ХОЗИРГИ КУНДАГИ БАЪЗИ БИДЪАТЛАР**

Хозирги пайгамбар билан бизнинг замонамиз орасида кўп вақт ўтганлиги, илмсизлик, бидъатга чакирувчилар кўпайгани ва кофирларга таклид килиш кучайиб кетганлиги сабабли жуда кўп бидъатлар мавжуд. Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам: *«Ўзингиздан олдин ўтган умматларнинг урф-одатига эргашиб кетишларингиз аниқ»*, деб бекор айтмаганлар. (Имом Тирмизий ривояти)



*Бу бидъатларнинг баъзилари билан танишиб ўтамиз:*

**1** Рабиул аввал ойида пайгамбаримиз тугилган кунлари-мавлудни нишонлаш.

Бу одат христианларнинг ўз пайгамбарларининг тугилган кунини нишонлашларига ўхшайди. Оми мусулмонлар ёки адашган уламолар хар йили рабиул аввал ойида Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг тугилган кунлари муносабати билан масжидларда, уйларда ёки махсус жихозланган жойларда байрам уюштирадилар, уларга кўпчилик ташриф буюради. Бу христианларнинг пайгамбарлари тугилган кунни нишонлашларига ўхшайди. Бундай муносабатлар ширк ва мункар амалларга олиб боради. Мисол тарикасида Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам номларига битиладиган касидалар тўкилиши ва буларда Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам хакида хаддан ошиш, баъзиларида Аллохни кўйиб пайгамбарга дуо килиш ва ундан ёрдам сўраш холатларини олиш мумкин. Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам ўзларини хаддан ортик макташдан кайтарганлар: **«Христианлар Марямнинг ўглини (яъни ўз пайгамбарларини) хаддан ортик мактаб юборганлари каби сизлар ҳам мени хаддан ортик мактаманглар. Мен бир бандаман, шунинг учун Аллохнинг кули ва элчиси денглар».** (Муттафкун алайхи)

Баъзилар мавлуд бўлаётган жойга Расулulloх соллаллоху алайхи ва салламнинг рухлари келади деб ишонишади.

Бу бидъатдаги хунук холатлардан бири – жўр бўлиб касида айтиш, унга дўмбира чалиб кўшилиш каби бидъатчи тасаввуф ахлининг одатларидан. Баъзи ўринларда фитнага сабаб бўладиган эркагу аёлнинг аралашиб кетишига ўхшаш ношаръий холлар ҳам юз беради.

Мазкур ишлардан холи бўлиб, факат одамлар йигилиб, овкатланиб, хурсандчилик килиб ўтирадиган маросим бўлган такдирда ҳам, бидъатдир. (Хар бир янгилик бидъат, хар бир бидъат залолатдир. Бундан ташкари у байрам ва тантаналарда келиб чикадиган кўнгилсизликлар ва уларнинг ривожланишига олиб келадиган йўлдир).

Бу ишни бидъат дейишимизга сабаб - Куръонда ҳам, суннатда ҳам, ўтган уламоларнинг китобларида ҳам бунга асос йўк. Бу маросимни хижрий IV асрда Шиалардан бўлмиш Фотимийлар тоифаси ўйлаб чикарган. Имом Абу Хафс Тожуддин ал-Фокихоний ўзларининг (Мавлуд хакида ўринли рисола) номли китобларида шундай ёзадилар: "Робиул аввал ойида ўтказиладиган «Мавлуд» номли тантана хакида бир гурух мусулмонлар менга кўп марта савол бериб, асосли жавоб ва мукамал изох сўрашди. Мен куйидагича жавоб бердим: Тавфик Аллохнинг кўлидадир - «Мен бу тантана ёки маросимга Куръонда ҳам, суннатда ҳам хеч кандай асос кўрмаганман. Ислом динида йўлчи юлдуз бўлган олимлардан биронталари бу маросимни ўтказганликлари ҳам хеч каерда айтилмаган. Бу баттол кимсалар ўйлаб топган бидъатдир. Бунинг факат корин гамида юрганлар учун фойдаси бор".

Шайхулисом Ибн Таймийя ўзларининг (Тўғри йўлни топиш) номли китобларида шундай дейдилар: «(Одамлар христианларга таклид килиб ёки Пайгамбаримизни яхши кўриб, хурмат килганлари учун мавлуд бидъатини ўйлаб топишди. Аслида Пайгамбаримизнинг тугилган кунлари хакида тарихчилар хар хил кунларни айтганлар. Агар бу тўғри ва фойдали иш

бўлганида эди, ўтмишдаги солих уламолар (Аллох улардан рози бўлсин) шу ишни килган бўлардилар. Чунки улар Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламни сиз билан биздан кўра каттикрок яхши кўрардилар, кўпрок хурмат килардилар. Лекин Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламни хурмат килиш ва яхши кўриш у кишига эргашиш, итоат этиш, амрларига бўйсунуш, суннатларини тирилтириш (хох махфий суннат, хох ошкор), у киши олиб келган динни ёйиш, шу йўлда калби, тили ва кўли билан жиходда кўринади. Бу йўл ўтмишдаги мухожир ва Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам хижрат килиб келганларида бошпана бериб, у зотга эргашган ансорийларнинг йўлидир.

Бу бидъатни йўкотиш учун кўп китоблар ёзилган ва ёзилмоқда. Мавлуд маросими бидъатлиги ва христианларга таклид эканлигидан ташкари авлиёлар, шайхлар, подшоҳлар ва бошка нуфузли кишилар тугилган кунини нишонлашга йўл очиб беради ва кўп ёмонликларга сабаб бўлади.

**2** Баъзи жойларни, кадимий обидаларни ёки инсонларни (хох тирик, хох ўлик) табаррук килиб олиш:

Табаррук - арабча сўз бўлиб, барака сўраш деган маънони англатади. Барака хам арабча сўз бўлиб, яхшилиқни зиёда бўлиши ва доимий қолиши маъносини билдиради. Баракани талаб килиш фақат уни беришга кодир бўлган Зотга каратилмоғи лозим. У зот ёлғиз Аллох таъолодир. Аллохдан бошқалар эса (у ким ёки нима бўлишидан катъий назар) барака беришга хам, уни давомли қолдиришга хам кодир эмаслар. Энди баъзи жойларга, обидаларга ва хаёт ёки вафот этган инсонларга бориб, уларни табаррук деб билиш, яъни барака умид килишга қуйидагича ҳукм чиқариш мумкин: Агар у одам шу нарса ё кимсалар барака беради деб эътиқод қилса у ширк келтирган бўлади. Агар шу нарса ёки кимсалар сабабли Аллох менга барака беради деган бўлса, у ширкка томон йўл олган бўлади.

Саҳобалар Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг соч ёки соқол толалари, терлари ёки баданларидан чиққан шунга ўхшаш нарсаларни табаррук килиб олганлар. Бу фақат Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга хос бўлган ва у кишининг хаётлик вақтларида амалга оширилган. Пайгамбаримизга-ки шундай муносабатда бўлинган экан, демак авлиёларнинг ўзини, қабрини ёки улар босган жойларни табаррук килиб олиш мутлақо мумкин эмас.

Ўтмишдаги солих уламолар хатто Абу Бакр ва Умар розияллоху анху каби ислом оламидаги буюқ шахсларни хаётлик вақтларида хам, вафотларидан кейин хам табаррук билишмаган, ёки солих уламолардан биронталари Хиро горига бориб намоз ўқиб ёки дуо килиб келмаган. Хеч бир киши Аллох таъоло Мусо соллаллоху алайхи ва саллам билан сўзлашган Тур тоғига бориб намоз ўқиб, дуо килиб келмаган. Умуман бирон пайгамбар ёки авлиёнинг қадами теккан жойларга бориб табаррук килишмаган. Мадинаи Мунавварадаги Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам доимий намоз ўқиган жойларини биронталари бориб силаб ўпмаган ёки Маккадаги қадамлари теккан жойларни тавоф қилмаган. Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам ўз қадамлари теккан ёки намоз ўқиган жойларини силаб ўпишни умматларига ўргатмаганлар. Қайси асосга биноан бировлар намоз ўқиган ёки ухлаган жойларини ўпиб силаш ёки табаррук килиш мумкин?! Уламолар бундай ишлар Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг кўрсатмаларидан эмаслигини таъкидлаганлар.

3. Ибодатлар ва Аллохга якин бўлиш мақсадида қилинадиган ишлардаги бидъатлар.

Хозир ибодатлар ичида ҳам бидъат амаллари кўпайиб кетган. Ибодатлар масаласида фақат буюрилган ишларни қилиш керак, айтилмаган нарсаларни кўзига яхши кўрингани учун ўзича ибодатга кўшиб олиши мумкин эмас. Буюрилган ишлар эса далил билан исботланади, далил топилмаган ишлар куйидаги ҳадисга биноан бидъат бўлади:

**«Кимки бизнинг ишимиздан бўлмаган бир ишни қилса, у иш рад қилинади».**

Хозир далил-хужжати бўлмаган ишлар кўпдир: Масалан: «Фалон намозни ўқишга ният қилдим» - деб овоз чиқариб ният қилиш. Бу бидъатдир, чунки Расулulloх соллаллоху алайхи ва салламнинг суннатлари бундай эмас эди. **«(Эй Мухаммад, у аъробийларга) айтгин: «Сизлар Аллохга динингларни (иймонларингни, ҳақиқий эканлигини) билдирмоқчимисизлар?! Холбуки, Аллох осмонлардаги ва Ердаги бор нарсани билур. Аллох барча нарсани билгувчидир!».** (Хужурот: 16)

Ниятнинг жойи қалб бўлиб у тилда эмас, қалбда адо этилади.

Намоздан кейин ўтириб, жамоат бўлиб тасбеҳ ва бошқа зикрларни айтиш ҳам бидъатдир. Чунки шариятда зикр-тасбеҳларни ҳар ким ўзи мустақил айтиши кўрсатилган.

Яна дуодан кейин ёки маросимларда ёхуд ўликларга атаб «Фотиха» сурасини ўқиш ҳам бидъатдир. Ўликларга атаб маросимлар ўтказадиган, таомлар пиширадиган, Куръон ўқувчиларни ёллаб Куръон ўқитадиган ва шу билан ўликка бирон фойда етказдим деб ўйлайдиганлар қам эмас. Бу амалларнинг ҳаммаси бидъат бўлиб, динимизда уларни қўллаб-қувватлайдиган асос йўқ. Улар инсонлар ўзлари ўйлаб топган уйдирмалардир.

Баъзи диний саналарни, масалан, исро ва меърож кечаси ёки хижрат қилинган кунни байрам қилиб маросим ўтказишлар бидъатдир.

Шунга ўхшаш ражаб ойида ражаб умраси деб атайлаб умра қилиш, ўша ерда рўза тутиш, атайлаб ўша кун нафл намозлар ўқиш ҳам бидъатлар жумласидандир. (Бу амалларга бошқа ойда қанча савоб бўлса бу ойда ҳам худди шундай. Бу ойда қурбонлик қилса, қурбон хайитидан бошқа ойларида қилган қурбонлик савоби билан баробар ажр бўлади). Шунингдек баъзи тасаввуф ахлининг ўйлаб чиқарган маълум усулда ва маълум вақтларда айтиладиган зикрлари ҳам бидъатдир. Чунки улар шариятда кўрсатилган зикрлар услуби ва вақтига ҳилофдир. Шаъбон ойининг ўрта кечасида атайлаб фақат намоз ўқиш ва ўрта кунда атайлаб рўза тутиш ҳам бидъат. (Аммо одатий вақти ва шароити шу кун ёки шу кечага тўғри келиб қолса зарари йўқ).

Бундан ташқари қабрлар устига мақбаралар қуриб, у ерларни масжид қилиб олиш ҳам бидъат саналади. Қабрларни табаррук санаб тавоф қилиш, ўликларга илтижо қилиш ва қабр зиёратига аёлларнинг бориши ҳам шулар жумласидандир. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам қабрларни зиёрат қилувчи аёлларни, у ерни масжид қилиб олиб намоз ўқувчиларни ва қабрларга шам ёки чирок ёқувчиларни лаънатлаганлар.

## ХОТИМА

Бидъат - куфрга олиб борувчи йўл. У Аллох ва Расули соллаллоху алайхи ва саллам кўрсатмаган нарсани динга кўшишдир. Бидъат гуноҳи кабиралардан ёмонрокдир. Шайтон гуноҳи кабирадан кўра бидъат килувчи билан кўпрок кувонади. Чунки гуноҳ килувчи гуноҳ килаётганини билиб туради ва унга вақти келиб, тавба килиши мумкин. Бидъат килувчи эса килаётган ишини диний амал, савобга эга бўламан деб ўйлайди ва тавба килиш у ёқда турсин, килаётган иши гуноҳ эканини ҳам билмайди.

Бидъат суннат амалларининг йўқолишига олиб келади, бидъатчиларга суннатни ва унга амал килувчиларни ёмон кўрсатиб кўяди. Бидъат инсонни Аллохдан узоклаштиради, Аллохнинг газаби ва азобига дучор келади ва калбларнинг бузилиб, қорайишига олиб келади.

## **БИДЪАТЧИЛАРГА КАНДАЙ МУОМАЛАДА БЎЛИНАДИ?**

Бидъатчи билан бирга даврада ўтириш ёки унинг зиёратига бориш ман қилинган. Агар унга насихат килиш ёки килаётган ишидан қайтариш учун борилса, мумкин. Улар билан алоқа килиш кишига ёмон таъсир кўрсатади ва нафрат-адовати бошқаларга ҳам ўтишига сабаб бўлади. Агар уларни бу йўлдан қайтаришнинг иложи бўлмаса, давлат раҳбарлари бидъатчиларни ман қилишлари ва бу йўлларидан қайтаришлари шарт бўлади. Чунки улар исломга жуда катта хавф тугдирадилар.

Кофир давлатлар бидъатчиларни кўллаб-қувватлаётгани, Ислом дини оёғига болта уриш учун жуда қулай восита бўлгани боис бидъат амалларини халқ ичида тарқатишга катта ёрдам бераётганини ҳам мусулмонлар билишлари лозим.

Аллох таъолодан динига ёрдам бериб, шаходат калимасини устун қилишини ва душманларини хор этишини сўраймиз. Аллох таъоло пайгамбаримизга, У зотнинг оила аъзоларига ва дўст-ёрларига саломлар ва салавотлар юборсин.

**Мавзу [Ислом Нури](#) веб саҳифасида нашр қилинган**